

ҲОШИМОВ Ойбек
Тошкент ислом институти
катта ўқитувчиси
e-mail: hashimiy@mail.ru

ШАББИР АҲМАД УСМОНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМӢЙ МЕРОСИ

SHABBIIR AHMAD USMANI'S LIFE AND SCHOLARLY LEGACY

ЖИЗНЬ И НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ ШАББИРА АХМАДА УСМАНИ

Аннотация. Бу мақолада мусулмон олими Шаббир Аҳмад Усманий ҳаёти ва илмий мероси ҳақида ёритилган. Хусусан, унинг ёшлигидан бошлаб илм ўрганиш босқичлари, устозлари, мадрасада ўқиган жараёнлари, тенгдошлари орасида қобилияти билан ажралиб туриши ҳақида сўзи юритилган. Шаббир Аҳмад Усманий қайси илм марказларида қайси китоблардан дарс бергани ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, у яшаган даврдаги сиёсий вазият ҳақида қисқача айтиб ўтилган. Шаббир Аҳмад ёзган асарлари ва аҳамиятига тўхтаб ўтилган.

Калит сўзлар: ҳадис, ўқитувчи, шарҳ, тадқиқотчи, мустақиллик, асар, таржима.

Abstract. This article explores the life and scholarly legacy of Muslim scholar Shabbir Ahmad Usmani. It discusses his journey in acquiring knowledge from a young age, his teachers, his experiences studying in a madrasa, and his distinguished capabilities among his peers. The article also highlights the books he taught and the places he served after completing his education. Additionally, it briefly touches upon the political context of his era. Finally, the significance of his written works and their impact are discussed.

Keywords. Hadith, teacher, commentary, researcher, independence, works, translation.

Аннотация. В данной статье освещаются жизнь и научное наследие мусульманского ученого Шаббира Ахмада Усмани. В частности, рассматриваются этапы его обучения с юности, его наставники, процесс учебы в медресе, а также то, как он выделялся своими способностями среди сверстников. Приводится информация о том, в каких научных центрах и по каким книгам преподавал Шаббир Ахмад Усмани. Кроме того, кратко затрагивается политическая ситуация того периода. В статье также рассматриваются

произведения, написанные Шаббиром Ахмадом, и их значение.

Ключевые слова: хадис, учитель, комментарий, исследователь, независимость, произведение, перевод.

КИРИШ

Муҳаққиқ, ўз даврининг етук олими, муҳаддис, факих, ақида илмида билимдон, тадқиқотчи олим, шайхул ислом Шаббир Аҳмад Усманий 1305/1889 йили 13 декабрда Ҳиндистоннинг Бижнур шаҳрида туғилган. Отаси Фазлурахмон Усманий “Дорул улум Девбанд” мадрасаси асосчиларидан бири саналади. Отаси Фазлурахмон Бижнурдаги мадрасаларни бош назоратчи ёрдамчиси бўлган. Шу сабабли асли Девбанд ота юрти саналган бўлса ҳам отасининг хизмат сафари сабабли Бижнурда туғилди. Насаби Усмон (р.а.)га бориб тақалгани учун “Усманий” нисбаси берилган. Усмон (р.а.)нинг олтинчи авлоди Абдурахмон Мадинаи мунаввардан чиқиб, Мовароуннахр шаҳрларига келиб яшаган. Унинг авлодидан Хўжа Абулвафо ибн Убайдуллоҳ Девбандга келиб, яшаб қолгани манбаларда келтирилган [3:33].

Шаббир Аҳмадга отаси тарафидан Фазлуллоҳ деб исм қўйилган. Лекин Шаббир Аҳмад деб машҳур бўлиб кетган. Бу ҳақида Шаббир Аҳмаднинг ўзи ҳам “Тафсири Усманий” асарида “Шаббир Аҳмад деб чақириладиган Фазлуллоҳ ибн Фазлурахмон Усманий...” [1:933], деб келтирган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Шаббир Аҳмад етти ёшида мактабга боришни бошлади. Дастлабки таълимни урдуча китобларни Муҳаммад Азимдан олди. Кейин Манзур Аҳмаддан форсча китобларни ўқиди. Ундан кейин юқори босқичда ўқиладиган форсча китобларни Муҳаммад Шафе Усманийнинг отаси аллома, шайх Муҳаммад Ёсиндан ўрганди.

Кейин эса араб тили ва исломий илмларни ўрганишни бошлади. Ўз даврининг етук алломалари бўлмиш шайхул ҳинд Маҳмуд Ҳасан, шайх Муҳаммад Ҳасан, мавлоно Ғулом Расул Ҳазоравий, мавлоно Муҳаммад Ёсин Ширкутий ва бошқа олимлардан илм олди.

Шаббир Аҳмад исломий илмларнинг ҳаммасини мукаммал ўқиб, моҳир бўлиб етишди. Ислом илмлари ва араб тилида мустаҳкам бўлди. Ҳадис, тафсир, фикҳ калом, мантик, фалсафа ва бошқа фанларни аъло даражада ўқиб, энг юқори баҳо билан Дорул улум Девбандни битирди.

Унга камёб зийраклик, чуқур фаҳм, мукаммал даражада англаш берилган эди. Талабалик вақтларида мантиқдан дарс берар эди. Муҳаммад Шафе Усманий, “Муҳаммад Қосим Нонутвий Девбанд мадрасасида фалсафа, мантиқ ва ҳикматдан дарс берар эди. Унинг дарсларини яхши ўқийдиган талабалар ҳам тушунишга қийналар эди. Лекин икки киши Муҳаммад Қосимнинг ҳикматини шарҳ ва изоҳига кучи етар ҳамда яхши тушунар эди. Бири, Шаббир Аҳмад Усманий, иккинчиси, Қори Муҳаммад Тоййиб” [4:23], деб айтган эди.

Ҳабибурахмон Усманий аллома Шаббир Аҳмад ҳақида хотирлаб: “У талабалик вақтида кўп вақтини талабаларга дарс беришга сарфлар эди. Юқори курс талабалари ҳам олдида келиб ҳамма фандан дарс олар эдилар” [2:7], деб айтади.

Шаббир Аҳмад ўқишни тугатиши билан Дорул улум Девбандда ўқитувчиликка тайинланди. Дастлабки йиллардан бошлаб асосий фанлардан дарс беришни бошлади. Ёш бўлишига қарамадан катта профессорлар қаторидан жой олди. Бир неча ой ўтиб, Дехлидаги “Фатхпури” мадрасаси мудири Дорул улум Девбанддан Шаббир Аҳмадни устоз қилиб юборишини сўради. Мудир Шаббир Аҳмадни жуда яхши кўрса ҳам уни Дехлига юборди. У ерда мударрислар раиси этиб тайинланди. Бу мадраса Дехлидаги энг катта мадраса эди. Талабаларга энг асосий китоблардан дарс берди.

Лекин Дорул улум аъзолари Шаббир Аҳмадни Дехлида қолиб дарс беришига рози бўлмадилар. Уни ортга қайтариб, Дорул улумда дарс бериш учун чакиртириб олишди. Дунёни ҳар тарафидан келадиган талабалар унинг илмидан баҳра оладиган бўлдилар. Қайтиши билан юқори курслар ўқийдиган китоблардан дарс беришга тайинланди. Босқичма-босқич “Сунан Термизий”, “Сунан Абу Довуд”, “Саҳиҳ Муслим” ва “Саҳиҳ Бухорий” китобларидан дарс беришга ўтди. Аллома Маҳмуд Ҳасан тирикчилигида бу китоблардан Анваршоҳ Кашмирий ҳам дарс берар эди. Бу билан

Девбандда Маҳмуд Ҳасандан кейинги даражада Анваршоҳ Кашмирий билан тенг тургани маълум бўлади.

Шу давр оралиғида Ҳижозга сафар қилиб, муборак ҳаж амалини бажариш учун йўлга чикди. Сафар учун ҳовли ва ерини сотди. Ҳижрий 1344 йил иккинчи марта ҳажга “Ҳинд уламулари жамияти” аъзоси бўлиб борди. У ерда ташкил этилган анжуманда қатнашди. Бир қанча фикҳий масалаларда ўз фикрини билдирган. Жумладан, ўша вақтларда саҳобалар мақбарасини бузиб, текислаш ҳақида баҳс-мунозаралар бўлаётган эди. Саудия олимлари одамлар қабрга сиғиняпти, бу куфр бўлади, деган сабабни келтириб, мақбараларни бузишга фатво берган эдилар. Саудия подшоҳи Абдулазиз Оли Сауд ва бир қанча олимлар олдида мақбаралар масаласи ҳам кўрилди. Шаббир Аҳмад Усманий куфрнинг даражалари бор экани, қабрга сиғинди деганда ҳам улар гуноҳкор бўлиши, лекин бутпарастлар каби кофир бўлмаслигини далиллар асосида исботлаб берди. Бу гапларни эшитган подшоҳ Абдулазиз жим бўлиб қолди. Бу масала юзасидан ҳеч нарса дея олмаслигини айтиб, масалани олимларга ҳавола қилди. Саудия олимлари каттаси Алдулазиз Атикий ҳам бу гапларни биринчи марта эшитаётгани айтди. Унинг теран фикри ва фикҳий масалаларни чуқур англаши кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди [4:352-352].

Анваршоҳ Кашмирий билан бир муддат Гужорат минтақасида жойлашган Добҳил университетида дарс берган. У ерда ҳадисдан “Саҳиҳ Муслим”, тафсирдан “Қози Байзовий” ва бошқа мўътабар китоблардан дарс берди.

Ҳижрий 1354/1935 йилдан 1362/1943 йилгача Девбанд мадрасасида бош мударрис бўлиб ҳам фаолият олиб борди. Ўзига юклатилган вазифани мукаммал адо қилди. Кейин яна бир неча ой Добҳилга бориб ишлади. Бир неча дард-касалликка учрагани учун яна Девбандга қайтиб келди.

Бу Шаббир Аҳмаднинг илм олиб, дарс берган фаолияти эди. Бу инсон динни мустаҳкам қилиш ва барпо қилиш учун яратилган эди. Илм ва соф эътиқодни тарқатиш майдонида катта ишларни амалга оширди. Одамларга ваъз-насихат қилиш ва бошқа диндаги ҳиндлар билан баҳс-мунозара қилар эди. Тўғри йўлни исбот қилиш ва хатони кўрсатиб беришда

кучли далиллар келтирар эди. Бу йўлда бор куч-гайрати ва илмини сарф қилар эди. Унинг тўғри йўлга чақириқ овози Ҳиндистоннинг ҳамма жойига етиб борган. Ислонм фалсафасида ҳам ўзига яраша катта тажриба ва малакаси бор эди.

Шаббир Аҳмад илмига амал қиладиган, одамларни яхши йўлга ва савобли ишларга чақирадиган олим бўлган. Ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларда ҳам одамларга тўғри йўлни кўрсатар эди. Шаббир Аҳмад биринчи бор Болқон уруши бошланган вақтда сиёсат майдонига кирди. Ватани мустақиллиги йўлида фаол иштирок этди.

Покистон мустақиллиги ҳақидаги қарорни қўллаб-қувватлади. Покистоннинг таъсис этилишида Муҳаммад Али Жиноҳнинг ёнида туриб, жуда катта меҳнат қилди. Бу иши учун айрим олимлар ва тоифалар тарафидан турли танқидларга учради ва аччиқ гапларни эшитди. Лекин унинг овози кундан-кунга кучайиб, Покистон 1947 йил мустақил бўлди. Покистон биринчи генерал-губернатори Муҳаммад Али Жиноҳ ўша куни Шаббир Аҳмаддан Покистон байроғини биринчи бўлиб кўтаришини сўради. Бу билан олимнинг меҳнатини эътироф қилаётган эди.

Шаббир Аҳмад Покистон мустақил бўлгандан кейин бир йилу тўрт ой яшади. Лекин шу қисқа вақт ичида Покистон ҳукуматида хизмат қилди. Янги давлат қонунларини тузишда ўзидаги бор билим ва имкониятини сарфлади. Ҳукумат унинг ёрдамида қонунларни тартибга келтириб олди.

Сиёсат майдонида фаол бўлиши билан бир қаторда тасаввуф ва нафс тарбиясида ҳам етук эди. Мустаҳкам тақволи, чиройли хулқли, одамларга меҳрибон, тавозули, қалби юмшоқлик каби олийжаноб хулқларга эга эди.

Аллома Шаббир Аҳмад Усманий 1329/1949 йил 13 декабр сешанба куни Бахавалпур шаҳрида вафот этди. Аббосия унверситетининг очилиши учун Карачидан Бахавалпурга сафарга чиққан эди. Покистонда олимнинг вафоти ҳақидаги хабар тарқалганда бутун мамлакат ғам-қайғуга тушди. Илмий соҳа одамлари қаттиқ маҳзун бўлди. Бутун ислом олами таъзия билдирди. Покистон аҳолиси жуда катта мусибатга дучор бўлган эди. Олим жасадини Карачига олиб келинди. Муҳаммад Шафе имомлигида ўқилган жаноза намозида икки юз минг одам қатнашди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Олимнинг ортидан фарзандлари қолмади. Балки маънавий фарзандлари ҳисобланмиш илмий мероси ҳамда олим ва тадқиқотчилар эътибор қаратиши керак бўлган қимматбаҳо асарлари қолди. Асарларини диққат билан ўрганган тадқиқотчи олимнинг қадри нақадар юксак эканини кўради. “Фатҳул мулҳим” асарини кўрган муҳаққиқ олим Зоҳид Кавсарий ўз мактубида Шаббир Аҳмад Усманийни “Дарҳақиқат, сиз бу асрда ҳанафийларнинг фахрисиз” [4:211], деб эътироф қилган.

Шаббир Аҳмаднинг бир неча асарлари бор. Жумладан, “Фавоид тафсир” асари. Шаббир Аҳмаднинг устози Маҳмуд Ҳасан Қуръон маъноларини урду тилига таржима қилди. Ҳамда Маҳмуд Ҳасаннинг ўзи унга “Фавоид тафсир”ни кўшди. “Нисо” сурасининг охирига келганда Маҳмуд Ҳасан зиндонбанд этилди. Чунки у мустамлакачиларга қарши ҳаракатларга бошчилик қилиб, ватани озодлиги йўлида фидоийлик кўрсатаётган эди. Шунинг учун уни мустамлакачилар Малтадаги зиндонга ташладилар. Натижада Маҳмуд Ҳасан “Фавоид тафсир”ни охирига етказа олмади. Бу ишни Шаббир Аҳмад охирига етказди. Мукамал қилинган тафсир илмий доирада илиқ кутиб олинди. Олимлар тарафидан мактовларга лойиқ кўрилди.

Бу тафсир форс тили ва инглиз тилига таржима қилинган. Асар уч жилддан иборат. Бу тафсир кичик бўлса-да, унда жуда кўп фойдали маълумотлар келтирилган. Бир неча асрлар олдинги ва ҳозирги кунларда учрайдиган шубҳа-гумон ва эътирозларга жавоб берилган. Ҳамма даврга мос келадиган фойдалар жамланган. Салаф солиҳлар ақидасини ифода қилган [6:433].

“Ислонм ки буняди ақоид” (“Ислонмнинг асосий эътиқоди”) деб номланган рисолада исломнинг асосий эътиқоди ҳақида фалсафий баҳс юритилган. Масалан, Яратувчининг ҳақ экани, тавҳид, пайғамбарлар юборилиши, фаришталар борлиги каби масалалар [7:6]. Муродобод шаҳрида 1911 йил ташкил қилинган тадбирда кўпгина олимлар олдида сўзлаган нутқлари ўрин олган.

“Ақл ва нақл” рисоласида соғлом ақл ҳеч қачон ишончли нақлга зид эмаслиги ёритилган.

Шу мавзу атрофида узун тадқиқотларини келтирган [5:251].

“Эъжозул Қуръон” асарининг номидан бу рисолаининг нима мавзуда экани маълум бўлади. Қуръондаги мўжизавий ва ожиз қолдирувчи жуда ҳам қимматли маълумотлар келтирилган [5:129]. Инсоф билан ўқиган ҳар қандай инсон Қуръоннинг ҳақиқат эканини эътироф қиладиган даражадаги китоб эканлигини уламолар таъкидлаганлар.

“Шихоб” асарида исломдан чиққан одамнинг ҳукми борасида сўз борган. Уни ёзилиш сабаби бор эди. Афғонистон подшоҳи Омонуллоҳхон икки кишини одамлар олдида исломдан чиққан деб ҳукм қиладди ва шунга яраша жазо беради. Улар қодиёний тоифасида бўлган Неъматуллоҳхон ва ҳамроҳи Абдулатиф бўлган. Қодиёний бўлгани учун диндан чиқди, деб ҳукм қилиниши қодиёнийлар эътирозига сабаб бўлди. Улар далил-ҳужжатлар келтириб бу ҳукм ва жазо хато эканини айтадилар. Шаббир Аҳмад бу асарини ислом ҳукуқи манбалари – оят, ҳадис, ижмо ва қиёс асосида бу ҳукм тўғри бўлганини исботлашга бағишлаган [3:182].

“Дорул охират” рисоласи илмий мақола бўлиб, илмий тадқиқотларга асосланган. Масалан, исломдаги асосий эътиқод каби охират ҳақида сўз юритилган. 1912 йил ташкил қилинган тадбирда нутқ қилган мақоласи асосида ёзилган.

“Ҳадияти сания” рисоласини икки илмий масала бўйича айрим дўстлари ва шогирдларига раддия сифатида ёзган. Биринчи масала, айрим олимлар бир нарсани ҳаром деса, айримлар ҳалол дейди. Бир-бирига зид бўлган ҳукм қандай қилиб жамланади. Иккинчи масала, бир одам жаннат ва дўзахга имон келтиради. Лекин ҳақиқий бўлишига имон келтирмайди. Жаннат неъматлари ва дўзах азоблари ҳақиқий бўлишига ишонмайди. Балки шундай бўлиб кўринади, дейди. Унинг имони қабул бўладими? Мана шу икки масалага йигирма варақдан иборат рисола ёзган [2:10-11].

“Лимо зо вақаат такрор фи-л-оёти ва-л-қисаси-л-Қуръония” рисоласи ҳам раддия сифатида ёзилган. Айрим одамлар Қуръони каримда оятлар такрор келтирилганига эътироз билдирадилар. Нима учун оятлар ва қиссалар такрор келганини тушуна олмайди. Аллоҳ таоло тарафидан бўлса такрор бўлмаслиги керак, деб

эътироз қиладилар. Шундай одамларга раддия сифатида ушбу рисолаи ёзган [2:11].

“Таҳқиқ хутбати-л-жумъа” рисоласида, яъни ўн уч бетдан иборат мақолада муаллиф жума хутбаси ҳақида баҳс олиб борган. Жумладан, хутбани араб тилида қилиш керак экани, бошқа тилда қилмаслиқ ҳақида сўз юритилган. Устозлари тарафидан мақтовга сазовор бўлган мақола саналади.

“Латоифу-л-ҳадис” рисоласида ҳадисга оид ажойиб маълумотлар келтирилган. Девбандда нашр қилинган журналнинг ҳижрий 1333 йил, 3-сониди мақола сифатида нашр қилинган.

“Сужуду-ш-шамс” рисоласи. Бир ҳадисда куёш Раббига сажда қилиши ва чиқишдан олдин изн сўраши ҳақида келган. Ўша ҳадисни жуда ажойиб тарзда шарҳланган. Китобларда учрамайдиган тадқиқотларни келтириб ўтган.

“Хавориқи одат” асари. Бу асарда муаллиф ҳозирги ва олдинги илмларни жамлаганининг яққол мисолини кўриш мумкин. Унда одатдан ташқари бўладиган ишлар ҳақида сўз юритилган. Пайғамбарга бериладиган мўжиза, авлиёларда бўладиган каромат ва оддий инсонларда кузатиладиган ноодатий ишлар ўртасидаги боғлиқликни изоҳлаган [4:89].

“Рух фи-л-Қуръон” рисоласи. Рух ҳақида илмий тадқиқот. Олимлар тарафидан илиқ қабул қилинган.

“Амоли ала Саҳиҳ Бухорий” асари. Шаббир Аҳмад “Саҳиҳ Бухорий” асарида дарс берган. Дарс асносида ажойиб тадқиқот ва нодир баҳс-мунозаларни айтиб борар эди [8:22]. Ушбу маълумотларни шогирдлари ёзиб борар эди. Уларни жамлаб икки жилда “Фазлул Борий” номи билан нашр қилинган. Шогирдларидан бири ўша маълумотларни жамлаб “Дарси Бухорий” номи остида нашр қилган. У ҳам охирига етмаган.

“Маъорифул Қуръан” асари. Қуръон ҳақидаги мақолалар. Ҳижрий 1331 йилда “Қосим” журналида нашр қилинган.

“Фатҳул мулҳим би шарҳи Саҳиҳ Муслим” асари ҳадис шарҳи борасида ёзилган энг фойдали манбалардан бири бўлди. Бу асаргача “Саҳиҳ Муслим” асарига ҳанафий олимлар тарафидан шарҳ битилмаган эди. “Фатҳул мулҳим” шу бўшлиқни тўлдирди. “Саҳиҳ Муслим”га бошқа мазҳаб олимлари тарафидан шарҳлар битилган. Лекин “Саҳиҳ Бухорий”га

ёзилган “Умдатул қорий”, “Фатҳул борий” каби батафсил ёритилган шарҳлар “Саҳиҳ Муслим”га ёзилмаган эди. “Фатҳул мулҳим” ана шундай кенг қамровли шарҳ бўлди. Шаббир Аҳмад ҳажга борганида “Фатҳул мулҳим”нинг қораламасини ҳам олиб борган [4:94]. “Фатҳул мулҳим”нинг қоралама варақларни олиб Равзаи маборакни тўғрисида ўтирди кейин Равзаи маборакка олиб кирди. Маккага борганида варақларни Мултазамга қўйиб: “Бу қоралама ожиз банданг тарафидан тартибга солинди. Аллоҳим! Қабул қил ва тарқалишига ёрдам бер!”, деб дуо қилди [4:23].

“Масъала тақдир” асарида инсон ихтиёрли ёки мажбуриги, бандалар феъллари, инсон амалини ўзи қилиши, мазкур масалалар юзасидан мўътазила ва жабария каби тоифалар эътирози ва уларга жавоблар келтирилган. Шунингдек, оламни яратилишидаги ҳикмат, инсон ихтиёрли ва мажбуриги ўртасидаги ҳикмат каби мавзулар келтириб, мавзунини чиройли очиб берган [9:11].

Мақолалар тўпламида Шаббир Аҳмад Усманийнинг ҳамма хат ва ёзишмаларини шогирди Профессор Муҳаммад Анвар Ҳасан Ширкутий жамлаб, бир китоб шаклига келтирган [10:4]. Анвар Ҳасан у тўпламни “Анвори Усманий” деб номлаган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб айтганда, Шаббир Аҳмад Усманий ҳаёти давомида турли жабҳаларда фаолият олиб борди. Ҳамма соҳада ўзининг етакчилиги қобилиятини намойиш этди. Илм олиш даврида энг аълочи талаба бўлди. Устозлари эътирофига сазовор бўлди. Ўқитувчилик даври ҳам самарали бўлди. Асосий ва алмаштириб бўлмас даражадаги устоз бўлди. Сиёсат майдонида ҳам инсонлар тинч-хотиржам ҳаёт кечириши учун кўп меҳнат қилди.

Шаббир Аҳмаднинг теран фикри кўп олимларнинг эътирофига сазовор бўлган. Ақида ва фикр ҳақида масалалар борасида мўътадиллик билан йўл тутган. Кофирга чиқариш, савобли амалларни йўққа чиқариш, ибодати қабул бўлмади каби масалаларда шошилиб ҳукм чиқаришдан эҳтиёт бўлган. Инсонни кофирга чиқаргандан кўра, уни мусулмон қилишга ҳаракат қилиш кераклигини таъкидлаган. Хусусан, “Фатҳул мулҳим” асарида ҳам чигал

масалаларга чиройли ечим топишга ҳаракат қилган. Шу омиллари инобатга олган ҳолда Шаббир Аҳмаднинг ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиб чиқишга эҳтиёж туғилади. Асарлари ҳанафий мазҳабини ўрганиш ва зиддиятли баҳс-мунозараларга ечим бўлишда бугунги кунда аҳамиятли ҳисобланади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шаббир Аҳмад Усманий. Тафсири Усманий. – Карачи: Дорул ишъодат, 2007. – Ж. 3.
2. Шаббир Аҳмад Усманий. Фатҳул мулҳим. – Дамашк: Дорул қалам, 2006. – Ж. 1.
3. Муҳаммад Анвар Ҳасан Ширкутий. Ҳаёти Усманий. – Карачи: Дорул улум, 1985.
4. Муҳаммад Анвар Ҳасан Ширкутий. Камолати Усманий. – Мултан: Идора ишъодатил хайр, 2006.
5. Шаббир Аҳмад Усманий. Таълифот Усманий. – Лоҳур: Идора исломия, 1990.
6. Шаббир Аҳмад Усманий. Фавоиди тафсир. – Карачи: Банури, 2019. – Ж. 1.
7. Шаббир Аҳмад Усманий. Ислом ки бунъиди ақоид. – Девбанд: Мактаба миллат дивбанд (нашр йили кўрсатилмаган).
8. Шаббир Аҳмад Усманий. Дарси Бухорий. – Карачи: Мактаба орифин, 1983.
9. Шаббир Аҳмад Усманий. Масъала тақдир. – Лоҳур: Идора исламия, 1978.
10. Муҳаммад Анвар Ҳасан Ширкутий. Анвори Усманий. – Карачи: Мактаба исломия (нашр йили кўрсатилмаган).